# ЧАЙКОВСКИЙ ИМТИҲОНИ

*Театр*

Одатда классик асар қўлга олинар экан, саҳна ижодкорларини икки муаммо ўйлантиради. Биринчидан, мазкур асар театр коллективининг ижодий имкониятларига мос тушадими, йўқми? Иккинчидан, мос тушган тақдирда опера ишқибозлари орасида деярли ёд бўлиб кетган машҳур асарни уларнинг талаблари даражасида, баланд авж пардаларда куйлашга театрдаги мавжуд актёрларнинг қурби етармикан? П. Чайковскийнинг «Пиковая дама» операси ана шундай мураккаб, чуқур драматизм билан суғорилган, айни вақтда актёрларнинг бор имкониятларини юзага чиқарадиган музикали асардир.

А. Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта опера ва балет театрининг бу машҳур асарга иккинчи бор мурожаат қилиши бежиз эмас, албатта. Зотан, бу санъат маскани ана шундай нодир асарларга ҳамма вақт қўл уриб келган. Қолаверса, коллективнинг ижодий имкониятлари шуни тақозо қилади.

...Петербургнинг хушманзара боғларидан бири. Қариялар, ёшлар, болалар қуёш ёғдусидан баҳраманд бўлиб, сайр этмоқдалар. Ҳамманинг димоғи чоғ, фақат Герман изтиробда. Ўйин-кулгу, қўшиқ, ҳазил мутойиба — ҳеч нарса унга ёқмайди. Ўз ўйи билан банд. Герман ғойибдан бир гўзал қизга кўнгил қўйган. Қиз бой-бадавлат оиладан. Оддий, нурсизгина мундиридан бўлак ҳеч нарсаси бўлмаган Герман қандай қилиб бой қизга муҳаббат изҳор қилсин? Тақдирга тан берсинми, ёки...

Герман — Г. Ханеданян талқинида дардли, эҳтиросга бой. Пушкин таъбири билан айтганда, у «ғоят кучли эҳтирос ва оташин тасаввурга эга». Ижрочи персонажнинг ана шу фазилатларига алоҳида эътибор берган. Герман — Г. Ханеданян ўзи яшаётган муҳитни ёриб чиқиб кетишга интилади. Унинг орзуси — ўртаҳол кун кечиришдан қутулиш, пулдор бўлиш. Тунлари мижжа қоқмай карта ўйинини кузатади. Лекин ўйинга қўшилмайди. Сабаби: отасидан қолган озгина жамғармаси ютқазилса, у янада қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Германнинг Графиня билан учрашувида Лиза ёрдам беради. Лиза — А. Рябова ижросида ҳазин, эзилган, Графинянинг инжиқликларидан эсанкираган муштипар қиз. Актриса автор, композитор ижодий ниятини тўғри англаган. Унинг ижросидаги арияларда Лизага хос тўғрилик, соддалик, беғуборлик, ишонч ва муҳаббат бор. Германда юз берган лоқайдлик, пул топишга бутунлай берилиб кетиш, Графинянинг ўлими Лизанинг хаёлларини остин-устун қилиб юборади. У ортиқ чидолмай, ўзини дарёга ташлаб ҳалок бўлади. Ана шу сўнгги саҳнада юзакилик кўзга ташланмоқда. Биринчидан, ижрочи актрисанинг ўзини сувга ташлаб ғарқ қилиши учун психологик асос етарли эмас. У ўзини азим дарёга, ўлим қаърига эмас, балки кичкина сой ичига ташлагандек туюлади. Иккинчидан, актриса хатти-ҳаракатининг ишончли чиқиши учун зарур восита излаб топиши лозимдек кўринади. Чунки, ҳар қандай алданган ёки умидсизликка тушган киши ўзини ҳалок қилишга ҳадеганда жазм қилавермайди. Шундай экан, Лиза ва Герман ўртасидаги зиддиятни кучайтириш (асарда бунинг учун асос бор), улар қалбида юз бераётган туғённи бўртгириш ва Лизанинг ҳалокати учун керакли ҳиссий-эмоционал кечинмани кульминацион нуқтага олиб чиқиш керак эди. Ана шу муҳим моментнинг томошабин — тингловчи кўз ўнгида юз бермаслиги Лиза — А. Рябова ҳаракатига ишончсизлик туғдирган.

Герман тақдири ҳал бўладиган саҳна ҳам кишида бир оз шубҳа уйғотади. Кўпдан орзу қилинган, кечалари уйқу бермаган дақиқа юз беради: Герман картадан ютади. У шу билан қаноатланиб қолмасдан яна ва яна ўйнайди. Қўлимда Туз бор, деб мағрурланган Герман янглишиб, бор-йўғидан ажралади. Отасидан мерос қолган сўнгги чақаларни ҳам қиморга бой бергач, аламидан ўзига пичоқ уради. Худди шу ерда томошабинда шундай савол туғилади: ютқазгани учун ўзини ўлдириш, ширин жонидан воз кечиш шартмиди? Ахир, Герман жарақ-жарақ пулларнинг «мазаси»ни тотиб кўрмаган, унга ўрганмаган-ку? Ўша ютқазилган пулларсиз ҳам яшайвериши мумкин эди-ку?

Операда муваффақиятли ижро этилаётган партиялардан бири Графиня партиясидир. Актриса О. Кучликова ижросидаги Графиня қаттиққўл, иродали, чўрткесар, ўта инжиқ, қариб мункиллаб қолганига қарамай, ўзига зеб беришга ишқибоз баджаҳл аёл. Ижрочи қаҳрамонининг мураккаб характерини намойиш қилишда шошилмайди. Унинг кўз қараши, партнёрига муносабати, ҳатто қадам ташлаши, қариб, ҳолдан тойган гавдасини ғоз тутишга интилиши, Лиза ва хизматкорларига ўгитлари, Германга зимдан тик боқиши ниҳоятда табиий ва малакалидир.

Режиссёр Ф. Сафаров ижодий коллективнинг мавжуд имкониятларини рўй-рост намойиш қилишга интилган. Катта ижодий коллективни битта асар ғояси атрофига жипслаштира олган. Асарда речитативдан яхши фойдаланилган. Бизнингча, унга янада кенгроқ ўрин берилса фойдадан холи бўлмасди. Режиссёр асосий қаҳрамонларнинг саҳнадаги тақдирини ҳал қилиш ишига янада жиддий эътибор бериши лозим. Герман нима учун ўзини ҳалок қилди? Лиза нима сабабдан Елецкийга кўнгил қўймайди? Ана шу масалаларга эътибор кучайтирилса, мазкур операнинг ижтимоий-фалсафий ғояси баралла янграган бўлур эди.

Дирижёр А. Абдуқаюмов катта оркестрни маҳорат билан бошқаради. П. Чайковский музикасининг энг нозик моментларини тингловчига усталик билан етказишга интилади. Виолончель, най наволари қаҳрамонларнинг нозик ҳолатларини ифодалашда жуда қўл келган. Дирижёр солистлар ва хорни ҳам муваффақиятли бошқаради. Воқеалардаги мунтазамлик, кульминация, бир воқеадан иккинчисига ўтишда мантиқли кўприк ясашда тажрибали санъаткорнинг хизмати катта. Рассом И. Севастьянов эса давр руҳига мос жозибали либослар, лавҳалар яратган.

Баъзи камчиликлардан қатъи назар, «Пиковая дама» операси кишида илиқ таассурот қолдиради. Мунтазам кўрсатилаётган, демакки, унинг устида ижодий иш давом этаётган экан, опера томошабинларга севимли бўлиб қолади. Бунга шубҳа йўқ.

**Э. УМАРОВ,**
**фалсафа фанлари кандидати.**

# ТАДБИРКОРЛИК ЕТИШМАГАЧ...

**КОМСОМОЛ РАЙОНИДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА НИМАЛАР ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?**

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Барча колхоз ва совхозларда, чорвачилик фермаларида Пленум материаллари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёрқин, сермазмун доклади атрофлича пухта ўрганилмоқда, Пленум талаблари асосида конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Маълумки, бундан бир неча ой илгари қуваликлик чорвадорларнинг ватанпарварлик ташаббуси республикамиз бўйлаб кенг қанот ёзди. Бу ташаббус Сирдарё области хўжаликларида ҳам қизғин қўллаб-қувватланиб, чорва молларнинг сонини ошириш, маҳсулдорлигини кўпайтириш юзасидан тадбирлар белгиланди. Йилнинг ўтган 6 ойлик якунлари шуни кўрсатмоқдаки, областнинг асосий район ва хўжаликларида бу тадбирлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Чорва моллар туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, ҳар қачонгидан ҳам мўл-кўл ем-хашак жамғариш — бутун жамоатчилик ишига айланиб кетди. Лекин шунга қарамай баъзи район ва хўжаликларда илгариги вазият ҳамон ўзгармай қолаётир. Эскириб, яроқсиз бўлиб қолган иш методлари, ўзибўларчилик, сусткашлик кайфиятларига барҳам берилмаётир.

Комсомол райони — республикамизнинг кенжа районларидан бири. Қуваликлар ташаббусига қўшилган район чорвадорлари 1978 — 1980 йилларга мўлжалланган конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар. Беш йиллик охирига бориб районда гўшт етиштириш 417 тоннадан 585 тоннага, сут етиштириш 2921 тоннадан 4780 тоннага оширилади, қорамоллар, сигирлар, чўчқаларнинг сони деярли бир ярим баробар кўпайтирилади, ем-хашак тайёрлаш район бўйича 42945 тоннадан салкам 46000 тоннага етказилади ва ҳоказо.

Хўш, район хўжаликларида ана шу улкан режаларни амалга ошириш йўлида қандай ишлар қилинмоқда, умуман районда чорвачиликни ривожлантиришга қандай эътибор берилаётир?

Райондаги бешта хўжалик: «Москва», «Ленинград», «Мирзачўл», «1 Май» совхозлари ҳамда «Коммунизм» колхози ўзининг йирик чорвачилик фермаларига эга. «Москва» совхозини олайлик. Совхозда ўтган йили жами 901 бош қорамол бор эди. Ҳозирги вақтга келиб уларнинг сони 200 бошга камайган. Совхоз директори Юсуф Аҳмедов, бош зоотехник Нормурод Музаффаров ўртоқларнинг изоҳ беришларича, совхоз чорваси сут етиштиришга мослаштирилиши керак. Демак, сигирлар сони кўпайиши лозим. Лекин сигирларни кўпайтириш йўлида ҳам силжиш бўлаётгани йўқ. Ҳозир бу ерда пландаги 260 ўрнига 234 бош сигир боқилаётир. Уларнинг ҳам фақат 187 боши соғин сигир ҳисобланади.

Сут-товар фермасида кунига ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 6 литр атрофида сут соғиб олинмоқда. Х. Илёсова, А. Саидова, Ж. Илёсова каби соғувчилар боқимидаги сигирларнинг маҳсулдорлиги бундан ҳам паст. Оқибатда хўжаликда сут етиштириш йилдан-йилга кўпайиш ўрнига камайиб кетаётир. 1977 йилнинг биринчи ярмида ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 939 килограмдан сут соғиб олинган эди. 1978 йилнинг ўтган олти ойида эса бу кўрсаткич 866 килограммданга тўғри келди.

— Ўтган йилги қиш биз учун оғир келди, — дейди совхоз директори Юсуф Аҳмедов. — айниқса ем-хашакдан қийналиб қолдик. Шунинг таъсири ҳам билиняпти.

Ўринли эътироф. Ўтган йили чорва қишлови учун жамғарилган ем-хашак декабрь ойидаёқ тугаб битди. Сўнгра ферма вакиллари районма-район, турли колхоз ва совхозларнинг эшигини қоқиб, озуқадан ёрдам беришларини илтимос қилиб юришга мажбур бўлдилар. Бунинг учун хўжаликнинг 34 минг сўмдан зиёд маблағи кетди. Ўтган йилги ана шу аччиқ сабоқлардан хулоса чиқариб олиниши лозим эди. Афсуски, ҳозирча бундай бўлаётгани йўқ. Шу йилнинг 14 июлигача қадар бўлган маълумотга кўра совхозда пичан тайёрлаш ҳамда сенаж бостириш йиллик планлари 38 процентданга, сомон тайёрлаш 42 процентга, силос бостириш йиллик плани эса 7 процентга етказилган, холос. Областнинг кўпгина хўжаликларида бу йилги қулай имкониятлардан фойдаланиб 2—3 йилга етадиган ем-хашак жамғариб қўйиш учун қизғин иш олиб борилаётган бир шароитда «Москва» совхози чорвадорларининг бундай бепарволикларини қандай изоҳлаш мумкин?

Фақат сут етиштиришгина эмас, балки гўшт етиштириш, сигирлардан бузоқ олиш ва бошқа муҳим соҳаларда ҳам орқага қараб кетилаётир.

Райондаги «Коммунизм» колхозида ҳам сўнгги йилларда чорвачилик яхши ривож топаётир. Мана, қарийб ўн йилдирки, колхозга машҳур механизатор, Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Жавод Кўчиев раҳбарлик қилмоқда. Бундан ўн йил муқаддам колхознинг атиги 68 бош қорамоли бор эди, холос. Ҳозир бўлса колхоз ўзининг 800 га яқин қорамоли, 525 та чўчқаси, қуёнчилик, паррандачилик фермаларига эга. Буларнинг бари хўжаликда чорвачиликни ривожлантириш учун астойдил жон куйдирилаётганидан далолат бериб турибди. Лекин сут етиштириш мазкур хўжаликда ҳам жиддий оқсамоқда. Ҳозир колхозда 228 бош соғин сигир бор. Ўтган йилнинг биринчи ярмида ҳар бош сигирдан 1559 килограммдан сут соғиб олинган эди. Бу йил эса ана шу кўрсаткич 1209 килограммданга тушиб қолди.

Райондаги «1 Май» совхозида ялпи сут етиштириш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 769 центнерга камайиб кетди. Шу йилнинг ўтган олти ойида «Мирзачўл» совхозида ҳар бош сигирдан 1008 килограммдан, «Ленинград» совхозида эса бор йўғи 985 килограммдан сут соғиб олинди. Оқибат шу бўлдики, Комсомол районида сут етиштириш бўйича ярим йиллик план бажарилмади. Бунинг устига ўтган йилнинг шу давридагига қараганда ялпи сут етиштириш деярли 9 тоннага камайтириб юборилди. Умуман олганда комсомолликлар маҳсулдорлик бўйича область районлари орасида энг паст кўрсаткичга эга бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида сигирлардан ўртача сут соғиб олишни яқин йилларда камида 3000 килограммданга, сут етиштириш ривожланган районларда эса 4-5 минг килограммданга етказиш вазифаси қўйилди. Масалага ана шу ҳаққоний талаблар асосида ёндашадиган бўлсак Комсомол районида бу соҳада жиддий ўзгаришлар қилиниши лозимлиги яққол кўзга ташланади.

Ўрни келганда районда қорамоллар сонини ошириш, сигирларни кўпайтириш борасида ҳам жиддий камчиликлар борлигини таъкидлаб ўтиш керак. Масалан, районда турли баҳоналар билан қорамоллар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайтириб юборилди. Натижада, бу соҳадаги ярим йиллик план ҳозирча 87.8 процентда турибди. Шунингдек, район хўжаликларининг сут-товар фермаларида ҳозирги кунда пландаги 1463 бош ўрнига 1335 бош сигир боқилмоқда ва ҳоказо.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, комсомол районида чорвачилик анчагина оғир аҳволда. Хўш, район раҳбарлари кўнгилсиз вазиятни қандай баҳолар эканлар? Ана шу саволга жавоб топиш мақсадида биз район партия комитетида бўлдик. Райкомнинг иккинчи секретари Михаил Тимофеевич Долгий — асли чорвадор. У узоқ йиллар обкомнинг қишлоқ хўжалик бўлимида ишлаб, чорвачилик масалалари билан бевосита шуғулланиб келган мутахассислардан. Ҳозир эса бевосита шу соҳанинг оталиғини олган раҳбар. Лекин чорвачиликда катта тажрибага эга бўлган ўртоқ Долгийнинг фикри бошқача:

— Бир ярим йил ичида биз район чорвасида революция қилишимиз керакми?! — таажжубланади у.

Тўғри, райoннинг ташкил этилганига бир ярим йилдан ошмоқда, холос. Лекин у — қуруқ жойда эмас, балки Гулистон ва Ильич районлари базасида ташкил этилганини унутмаслик лозим. Қолаверса, ишнинг кўзини билган тадбиркор кишилар учун бир ярим йиллик давр ҳам оз муддат эмас.

«Чорвачиликда янги юксалишга эришиш бутун партиямизнинг, ҳамма министрликлар ва идораларимизнинг, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг, ҳамма қишлоқ меҳнаткашларининг бу тармоққа ғоят жиддий эътибор беришларини талаб қилади» дея таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев. Комсомол район партия комитети ва район ижроия комитети, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари Пленум қарорларидан тегишли хулоса чиқариб, ўзларининг чорвачилик соҳасидаги фаолиятларида жиддий бурилиш ясамоқлари зарур.

**А. УМАРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони»нинг Сирдарё область мухбири.**

# оламда нима гап

## ССРНИНГ БМТ ҲУЗУРИДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ НОРОЗИЛИГИ

ССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси БМТ ҳузуридаги АҚШ ваколатхонасига нота юбориб, бу нотада Америка маъмурларининг диққат-эътиборини совет элчихонасининг нормал ишлашига халақит бераётган душманлик ҳаракатларининг давом этаётганлигига яна бир бор қаратди.

Нотада бундай дейилади: 1 ва 2 август кунлари ваколатхона биноси олдида безори унсурларнинг иғвогарлик йиғинлари уюштирилди. Бу йиғинларнинг қатнашчилари қийқириб, совет дипломатлари ва уларнинг оила аъзолари шаънига таҳдид сўзларини айтдилар, совет кишиларини жисмоний жазолашга даъват этдилар. Бу воқеани кузатиб турган полициячилар ана шундай иғвогарлик ҳаракатларининг пайини қирқиш юзасидан бирон бир чора кўрмадилар, аслида уларга йўл қўйиб бердилар.

Ажнабий мансабдор шахслар ва АҚШнинг расмий меҳмонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги тегишли федерал қонунга мувофиқ ана шундай тусдаги душманлик ҳаракатлари жазоланиши лозимлигини эслатиб, СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси АҚШ маъмурларининг кўрсатиб ўтилган қонунни бузиш давом этаётганлиги учун жавобгарликдан ва улар ўз зиммаларига олган халқаро мажбуриятлардан бўйин товлашга интилаётганлигидан таажжубланаётганлигини изҳор этди.

Ана шундай ҳаракатларнинг характери, дейилади нотада, Америка гражданлари ўртасида Совет Иттифоқига ва совет кишиларига нисбатан душманчилик кайфиятларини кучайтиришга қаратилган кампания авж олдирилаётганлигидан далолат беради.

СССРнинг БМТ ҳузуридаги ваколатхонаси бу иғвогарликларни АҚШнинг муайян доиралари уюштираётган Советларга қарши ҳаракатларни кучайтиришдаги янги босқич, деб ҳисоблайди.

СССР ваколатхонаси Совет Иттифоқига душманлик ҳаракатлари муносабати билан қатъий норозилик билдириб, Америка маъмурлари бундан буён ана шундай ҳаракатларнинг юз беришига йўл қўймайдиган барча зарур ва амалий чораларни кўришларини яна бир бор қатъий талаб қилади.

(ТАСС).





**Бундан 33 йил муқаддам Япония шаҳарлари Хиросима ва Нагасаки устига Америка авиацияси ташлаган атом бомбалари бир неча лаҳза ичида юз минглаб кишилар ҳаётини сўндирди. Бу шаҳарларнинг аҳолиси ўша даҳшатли портлаш қурбонлари хотирасини ҳамиша хотирлайдилар. Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида ёдгорлик комплекслари барпо этилди. Бутун жаҳон халқи нейтрон қуролига қарши кураш олиб бораётган шу кунларда бу ерга Япониянинг бошқа шаҳарларидан, дунёдаги кўпгина мамлакатлардан кўплаб туристлар тез-тез келиб туришибди. Юқоридаги суратда: Хиросимада ташкил этилган «Хэйва коэн» тинчлик парки. Парк атом бомбаси тушиб портлаган жойнинг айнан ўзида барпо этилган. Урушдан сўнг шаҳар қайта тикланди. Бугунги кунда Хиросима қарийб миллион аҳолиси бўлган йирик шаҳардир. Пастдаги суратда эса Нагасаки шаҳрида атом бомбаси қурбонлари — болаларга ўрнатилган ёдгорлик тасвирланган.**

**М. Соловьева** ва **И. Вайнштейн** фотолари.
(ТАСС фотохроникаси).

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

**● РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА**

Республика ғаллазорлари 8 миллион гектарга етди. Жанубий ва ғарбий районларда ўрим-йиғим тез суръатлар билан давом этмоқда. Бошқа районларда эса ҳосил пишиб етилмоқда.

Польша қишлоқ хўжалигининг машина парки кейинги йилларда беқиёс ўсди. Далаларда ҳозирги вақтда 500 минг трактор, 19 минг комбайн, 36 минг ғарамловчи ва бошқа кўп машина-механизмлар ишлаб турибди.

Поляк дўстлар ўрим-йиғим ишларининг технологиясига катта эътибор бермоқдалар, Польша ва совет қишлоқ меҳнаткашлари ҳамкорлигининг самараларидан кенг фойдаланмоқдалар. Ольштин ва Кошалин воеводаларидаги давлат хўжаликларида мўл ҳосил етиштирувчи машҳур усталар А. В. Гиталов билан Н. Бочкаревнинг тажрибаси кенг қўлланилмоқда.

**● ШАКАРҚАМИШ ЙИҒУВЧИ КОМБАЙНЛАР**

Кубада Олгин вилоятининг маъмурий маркази — Олгин шаҳри атрофида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги номли шакарқамиш ўриш комбайнлари заводининг катта цехлари жойлашган. Куба машинасозлигининг мана шу катта корхонаси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йил шакарқамиш ҳосилининг қарийб 40 проценти ана шу комбайнлар ёрдамида ўриб-йиғиб олинди.

Завод ходимлари катта байрам — миллий қўзғолон куни арафасида 125 та комбайн чиқардилар. Йил охиригача бош конвейердан 300 та шундай машиналар чиқарилади.

**● МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙ БИНОЛАРИ**

Денгиз орқасидаги мамлакатлар ваколатхоналари ва маҳаллий бойларнинг кўп қаватли мухташам бинолари билан бир қаторда ифлос бараклар илгариги Сайгоннинг аянчли манзараси эди. Халқ ҳокимияти давом этаётган кейинги уч йил мобайнида шаҳар қиёфаси ўзгарди. Шаҳардаги энг яхши бинолар болалар боғчалари, касалхоналар, ишчилар ва ёшлар клублари ихтиёрига берилди. Янги уй-жой кварталлари қад кўтармоқда.

Шаҳарда уй-жой қурилиши ҳам тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Кейинги вақтларда ўн мингдан зиёд оила замонавий шинам уй-жой биноларида янги квартираларнинг калитини олдилар.

(ТАСС).

## ЖУРНАЛИСТЛАР ЗАБАСТОВКАСИ

Карочида журналистларнинг очлик забастовкаси давом этмоқда. Забастовка газета ходимлари Умумпокистон конфедерациясининг даъватига мувофиқ, 18 июль куни бошланган эди. Полиция забастовканинг яна етти қатнашчисини қамоққа олди. Шундай қилиб қамоққа олинганлар сони 55 кишига етди. Иш ташловчилар ишдан бўшатилган газета ходимларининг ўз ишларига тикланишини, иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. Матбуотнинг ёзишича, ишчилар, деҳқонлар ва студентлар ташкилотлари журналистларнинг талабларини қўллаб-қувватламоқдалар.

## ЯДРО ҚУРОЛИНИ ТАҚИҚЛАШГА ЭРИШАЙЛИК

Совет тинчлик тарафдорлари барча қитъалардаги тинчликсевар жамоатчилик билан бирга қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва оммавий қирғин қуролларини тақиқлаш учун, ялпи ва тўла қуролсизланиш учун курашни давом эттиришга ва кучайтиришга якдиллик билан ва қатъий қарор берганликларини намойиш қилмоқдалар, дейилади Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг баёнотида Жаҳон Тинчлик Кенгашининг 6 августда АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари Хиросима ва Нагасакига атом бомбалари ташлаганликларининг 33 йиллигини ядро қуролини тақиқлаш учун кураш халқаро куни сифатида нишонлаш тўғрисидаги даъватига жавобан бу баёнот эълон қилинди.

Маълумки, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва қуролланиш пойгасини жиловлашга ҳамда қуролсизланишга қаратилган принципларни барқарор қилиш йўлида янги ижобий ва реал ташаббусларнинг батафсил ва ҳар томонлама комплексини илгари сурдилар. Вашингтонда НАТО кенгаши сессиясининг қурол-яроғларни, шу жумладан ядро қуролини сон ва сифат жиҳатидан кўпайтиришнинг узоқ муддатли программасини қабул қилиш тўғрисидаги қарори айниқса катта ташвиш туғдирмоқда дейилади баёнотда. АҚШ милитаристик доираларининг янги оммавий қирғин қуроли — нейтрон бомба ишлаб чиқаришга киришиш ниятида эканликлари жаҳон жамоатчилигини айниқса ташвишга солмоқда ва ғазаблантирмоқда.

Совет Иттифоқи жамоатчилиги атом ажали билан хатарли ўйнашишга хотима беришни талаб қилади! Ажал уруғини сочувчи қурол — даҳшатга солиш ва агрессия қуролига бизнинг планетамизда ўрин бўлмаслиги керак!

(ТАСС).

## АФҒОН ХАЛҚИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

**Афғон халқи апрель революцияси ғалаба қозонгандан кейинги давр мобайнида Халқ демократик партияси раҳбарлигида анча муваффақиятларга эришди. Афғонистон тарихида биринчи марта халқ ҳукумати барпо этилди ва сиёсий ҳокимият меҳнаткашлар қўлига ўтди, деди АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Н. М. Тараки республика халқ қуролли кучлари офицерлари ҳузурида Халқ уйида сўзлаган нутқида.**

У мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида партиянинг раҳбарлик ролини кучайтириш зарур эканлигини уқтириб ўтди. Партия аъзолари партия интизомига қаттиқ риоя қилишлари ва кенг халқ оммаси ўртасида ишчилар ҳамда деҳқонлар идеологиясини тарғиботчилари бўлишлари лозим.

Бош министр айтдики, ҳукумат ва халқ қуролли кучлари Афғонистонда аҳволни тўла назорат қилиб турибдилар. У ҳам ташқи, ҳам ички реакциянинг иғвогарлик уйдирмалари ва ҳаракатларига қатъий зарба бериш кераклигини таъкидлаб ўтди. Бу реакция апрель революциясини обрўсизлантиришга ва республикада ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишини бузишга уринмоқда.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз, деди Н. М. Тараки, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча халқларнинг миллий мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш принципларига асослангандир. Биз ўз қўшниларимиз билан, жаҳондаги барча мамлакатлар билан тинч-тотув яшашни истаймиз (ТАСС).

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

# «ЙЎЛ АЗОБИ»

**«Йўл азобини йўловчилар биларкан. «Ўсмат-Булунғур», «Ўсмат-Бўрон», «Жиззах-Гулбулоқ» ва «Муғол-Рассвет» маршрутлари бўйича қатнайдиган автобусларга чиққан йўловчиларнинг асаблари ишдан чиқади»,** — дейилади юқоридаги сарлавҳа остида газетанинг шу йил 25 май сонида босилган танқидий мақолада.

Ушбу ташвишли сигналга қуйидаги мазмунда жавоблар олинди.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: мақола Жиззах область автомобиль ва тош йўллар қурилиши бошқармасида унинг бўлимлари раҳбарлари иштирокида кенг муҳокама қилинди ва тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди. «Ўсмат-Булунғур» ва «Жиззах-Гулбулоқ» автомобиль йўли Бахмал район йўл қурилиш-ремонт бошқармаси томонидан капитал ремонт қилинмоқда. Бунинг учун маълум миқдорда маблағ ажратилди. Йўл қурилиши шу йилнинг биринчи октябригача тугалланиши мўлжалланмоқда. «Ўсмат-Муғол-Бахмал» йўлининг бир қисми ҳисобланган узунлиги ўн километрли «Муғол-Рассвет» автомобиль йўли ремонти учун ҳам маблағ ажратилди. Бу иш шу йилнинг учинчи кварталида тугалланади.

БАХМАЛ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: мақолада қайд этилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш вазифаси район йўл қурилиш-ремонт бошқармаси маъмуриятии зиммасига юклатилди. Айни кунларда эллик километрли «Ўсмат-Булунғур» йўли ремонт қилинмоқда. «Муғол-Рассвет» йўли ҳам ремонтдан чиқарил-япти.

Ишни сифатсиз бажарганлиги учун район йўл қурилиш-ремонт бошқармаси маъмурияти қаттиқ огоҳлантирилди ва бундан буён камчиликларга йўл қўймаслик чоралари белгиланди.

# Ж. ХАРРИС: КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРАМАН!

**АҚШда гражданлик ҳуқуқлари учун мардларча курашиб келган, Алабамадаги ирқчилар суди томонидан электр курсида қатл этилишга ҳукм қилинган Жон Харрис совет ёшларига очиқ хат билан мурожаат қилди.**

«Дўстлар, мен ҳаммамиз учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган бир иш билан сизларга мурожаат қилаётирман. У ҳам бўлса АҚШда инсон ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқларни қўпол равишда поймол қилаётганлар билан курашиш масаласидир, дейилади шу хатда. Кўпларингиз билсаларингиз керак, мен ирқчиларни ошкора фош этганлигим учунгина улар томонидан олиб борилаётган сиёсий таъқиботлар қурбони бўлдим».

Қўшма Штатларда инсон ҳуқуқлари ҳақида кўп гапиришни яхши кўришади, бу масала катта сиёсат ишига айлантириб юборилди. Бироқ, Америка гражданларига асосий инсоний ҳуқуқларни таъминлаш йўлида бирор қадам қўйилаётганлигини кўрсатувчи ҳеч қандай белги йўқ, деб ёзади Ж. Харрис. Аксинча, сиёсатбозлар ва ирқчилар мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари жуда қўпол бузилаётганлигини кўрсатувчи фактларни яширмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар, бошқача фикрдаги кишилардан ўч олишдан ҳам қайтмаётирлар.

Менга нисбатан қилинаётган ҳаракатлар, дейди бу негр йигити, бундай ўзбошимчалик намуналаридан биридир. Мени қилмаган «жиноятларим» учун ўлим жазосига ҳукм қилдилар. Мен ҳукумат маъмурларига «халақит беришдан» бошқа ҳеч нарса қилганим йўқ. Ҳатто Алабаманинг бош прокурори ҳам менинг қатл этилишимга сабаб бўлаётган «жиноятни» қилмаганлигимни эътироф қилишга мажбур бўлди.

Ж. Харриснинг фикрича, бошқа мазлум ва таъқиб қилинаётган кишиларнинг ҳуқуқлари ва ўз ҳуқуқи учун курашни дўқ ва таъқибларга қарамай давом эттираётганлиги, бегуноҳ кишиларни қоралайдиган ёлғон гувоҳлик беришдан бош тортганлиги сабаблигина уни таъқиб қилмоқдалар. «Шунинг учун ҳам ҳозир мен ўлимга ҳукм қилинганлар камерасида ўтирибман», деб ёзади ёш негр ишчиси.

Лекин ирқчиларнинг мени ўлдирмоқчи бўлиб қилаётган дўқларидан қўрқмайман ва инсон ҳуқуқлари учун курашни давом эттириш ниятидан қайтмайман, деб таъкидлайди Ж. Харрис. Совет кишиларининг беғаразлик билан мени қўллаб-қувватлаётганлиги узоқ давом этган бу қатъий курашга жуда катта ёрдам бермоқда. Ж. Харрис Совет Иттифоқи ёшларига мурожаат қилиб, уларни Қўшма Штатлардаги сиёсий маҳбуслар билан бирдамлик кампаниясини давом эттиришга чақирди.

(ТАСС).

